

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ**68** Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга  
чиқиши тартибини такомиллаштириш чора-тадбир-  
лари тўғрисида

Замонавий халқаро стандартлар ва талабларни ҳисобга олган ҳолда паспорт тизимини янада такомиллаштириш, халқаро ўтказиб юбориш чегара пунктларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспорт назоратидан ўтиши тартиб-қоидасини соддалаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки, 2014 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши фақат биометрик паспортлар бўйича амалга оширилади.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази (Н. Тураходжаев), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А. Аҳмадбаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов) чет элга чиқувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг биометрик паспортлари ўз вақтида хужжатлаштирилишини таъминласинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2014 йил 1 июлдан бошлаб ҳаво ва темир йўл транспортида чет элга чиқувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг авиа ва темир йўл чипталарини расмийлаштириш ва сотиш биометрик паспортлар асосида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси (Р. Эминжонов) 2014 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ушбу қарор талабларига мувофиқ чет элга чиқишининг белгиланган тартибда назорат қилинишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов) хорижий давлатларда доимий яшовчи ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарида ёхуд консуллик муассасаларида доимий консуллик ҳисобида турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ушбу қарор қоидалари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиниши бўйича комплекс тадбирларни амалга оширсин.

6. Миллий телерадиокомпания (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М. Ҳазратқулов) ушбу қарор қоидаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

**6 (610)-сон**

**— 13 —**

**68-модда**

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 6 февраль,  
24-сон